O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI DAVLAT ARXIVI
INV.№

ОНАХОНЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР, БАЙРАМ МУБОРАК!

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 8 март, шанба № 30 (1762). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 8 марта, 2003 г. № 30 (1762). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Муҳтарама онаҳонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Суюкли қизларим!

Бугун, баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, янгиланиб бораётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ айём — 8 март байрами билан муборакбод этиш, кўпчилик қаторида сизларга ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қилиш менга катта қувонч ва мамнуният бағишлайди.

Биз дунё гўзаллигини, ҳаёт фалсафаси ва маъно-мазмунини аввалambor аёл сиймосида, унинг фидойи қалби, вафо ва садоқатида кўрамиз, ҳис этамиз.

Маълумки, ҳар қайси инсон аёл зотига бўлган меҳр-муҳаббатини изҳор этиш учун беихтиёр шеърият, назм оламига мурожаат қилади. Шу маънода буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг:

Чун азалдин шаҳи жаҳон сизсиз,
Бўлмасун бир нафас жаҳон сизсиз, —

деган ўлмас сатрлари барчамизнинг дилимиздаги ҳис-туйғуларни ёркин ифода этади.

Биз аёл зотини Оллоҳ таолонинг беқиёс мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Чиндан ҳам, тарихимиз ва бугунги кунимизга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу таъриф замирида асрлар, минг йиллар давомида ҳаётимизда тоғдай таянч ва суянч бўлиб келаётган аёл сиймосига мансуб буюк ҳақиқат мужассам эканини англашимиз қийин эмас.

Нега деганда, одамзот машаққатли синовларни енгиб ўтиш, Фарҳод каби чўлларга сув чиқариш, оламшумул кашфиётлар яратишдек улуғвор ишларни ўзига тасаввур этиши мумкин. Аммо ҳеч ким, ҳеч қачон бир нарсани тасаввур қила олмайди: аёлсиз ҳаёт йўқ ва бўлмайди ҳам.

Шу боис халқимиз, миллатимизнинг тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, уни ҳимоялаш, керак бўлса, бутун борлигини аёл учун бахшида этиш ўзини эр йигит деб билган ҳар бир инсон учун наинки машҳур достонларда, балки ҳаётнинг ўзида ҳам шарафли бир иш, мардлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлиб келган.

Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз халқига садоқатли ёш авлодни тарбиялашда, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда тинчлик-осойишталик, қут-барака ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган катта хизматларингиз ва сабру бардошингизни Ватанимиз юксак қадрлайди.

Истиқлол йилларида хотин-қизларимизнинг жамиятдаги нуфузини кўтариш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Бу фикрнинг тасдигини нафақат марказда, юртимизнинг олис туманлари, шаҳар ва қишлоқларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илму фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти каби бугун замон ва бозор муносабатлари талаб қилаётган соҳаларда ҳам опа-сингилларимизнинг фаол иштироки ва нуфузи тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Биз ёруғ келажагимизни қуриш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришишга қаратилган дастурларни амалга оширар эканмиз, юртимизда аёл зоти учун ман қилинган, улар қатнашмаётган бирон-бир тармоқ ёки соҳа бўлмаслиги даркор. Аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигимизни ошириш, бу йўлдаги барча сунъий тўсиқларни, ҳар қандай чекловларни бартараф этиш, хотин-қизларга менсимай қараш каби ўтмишдан қолган салбий одатларга бутунлай барҳам беришга бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб қарашимиз керак.

Бу борада қилаётган хайрли ишларимиз, жумладан, ёш истеъдод соҳибалари учун Зулфия мукофотини таъсис этганимиз ҳам ҳаётга катта орзу-интилишлар билан кириб келаётган қизларимизга ўз имконият ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда кўмак ва мадад бериш муқаррар.

Мен ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, шубҳасиз, ҳар қайси туман, вилоят ҳокимликлари ва марказий идоралар раҳбарларининг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчига айланиши даркор, деб биламан.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бориши билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хусусан, ҳомиладор аёлларга ғамхўрликни кучайтириш, соғлом фарзандлар дунёга келиши учун тиббий масканлар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, ёш болали оилаларга давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ёрдамнинг самарасини ошириш масаласи ҳам доимо диққатимиз марказида бўлиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг кўпчиликка маълум бўлган фикрини давом эттириб, мен **«Соғлом авлод ўстираётган юртнинг келажаги буюк ва қудратли бўлур»** деган қараш умуммиллий шиоримизга айланиб қолишини истардим.

Бу борада шу йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган амалий вазифалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, фурсатдан фойдаланиб, нафақат бугунги кунимизни, айни пайтда келажагимизни ҳам белгилаб берадиган бир фикрни, яъни аёлларга қанча ғамхўрлик қилмайлик, барибир уларнинг олдида ҳамиша қарздормиз, деган фикрни билдириб, юртимизнинг барча ўғлонларини, аввалambor, катта-кичик раҳбарларни ана шундай тушунча ва ғоялар билан яшашга даъват қилмоқчиман.

Қадрли опа-сингиллар!

Бетакрор юртимизда баҳор ва бахт айёми бошланаётган мана шу унутилмас дамларда юрагимда барча аёлларимизга бўлган ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғусини яна бир бор изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Агарки мендан, дунёдаги энг зебо, энг латофатли, оқила аёллар, сулув ва дилбар қизлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмай, ғурур ва ифтихор билан «Мўътабар Ўзбекистонимиз заминида» деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳамиша эзгулик ва шафқат, меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли бўлган сиз, азизларни бугунги гўзаллик ва нафосат байрами билан чин дилдан қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Табаррук оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин! Азиз опа-сингилларимизнинг орзу-умидлари ушалсин! Ёш қизларимиз, жажжи невараларимизнинг истаклари рўёбга чиқсин!

Мунис чеҳраларингиз доимо шодлик ва табассум нуридан мунаввар бўлсин. Кириб келаётган баҳор нафаси барчангизга бахт ва саодат келтирсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

● ВОЕННЫЕ ПРОФЕССИОНАЛЫ

СОКРАЩАЯ РАССТОЯНИЯ

Связь не случайно именуют нервом армии. Успех в современном бою, будь он учебным или реальным, не в последнюю очередь зависит от четкого взаимодействия задействованных подразделений. Телефонистка младший сержант по контракту Ирина Лазарева хорошо усвоила эту истину, с предельной ответственностью относясь к исполнению своих служебных обязанностей.

В ходе недавних командно-штабных учений личному составу батальона связи под командованием майора Исмоила Алиева впервые довелось выполнять учебно-боевую задачу по развертыванию полевого узла связи (ПУС) в районе учений. И в том, что испытание было выдержано связистами с честью, есть заслуга младшего сержанта Ирины Лазаревой.

— Ирину отличают ответственность и исполнительность, — так охарактеризовал подчиненную начальник ПУС старший лейтенант Шахзод Султанов. — Именно эти качества помогли ей уверенно ориентироваться в сложной обстановке, а четкое и быстрое соединение абонентов в немалой степени способствовало успешному претворению замысла учений.

Конечно, у начальника связи ТВО подполковника Рустама Кувватова нашлись и критические замечания, высказанные в адрес связистов. Однако для того и проводились эти учения, чтобы отладить вопросы взаимодействия подразделений различных родов войск, выявить и устранить все слабые места в ходе боевой работы.

Впрочем, непосредственно к дежурившим на коммутаторе телефонисткам претензий у руководства не было. Они трудились день и ночь, готовые в любую минуту обеспечить устойчивую связь абонентов из вышестоящего штаба с занятыми подразделениями.

— Ирина не только хорошо знает свои обязанности, но и помогает в устранении неполадок аппаратуры связи, — так отозвался о сослуживице дежурный по узлу связи старший лейтенант Илья Мазор. — Плюс ко всему она хороший психолог, тонко чувствует настроение абонента.

В этом, видимо, и заключается подлинный профессионализм военнослужащего армии нового типа — в стремлении постоянно работать над собой, находить удовольствие в освоении новых высот своей профессии. Так и служит младший сержант И. Лазарева — сокращая расстояния, внося весомый вклад в укрепление обороноспособности независимого Узбекистана.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОНГ

Ҳарбий либосдаги бу аёл — курсант Дилбар Тожимурадованинг орзулари ушалишига истиқлол сабаб. Мана, болалик орзуига — ҳарбийликка етишди. Ҳадемай кичик сержант унвонини олиб, ҳарбий тиббиёт соҳасида жавлон уради. Байрамни ҳам ажойиб ютуқлар билан қаршиламоқда.

Александр МРУЧАК суратга олган.

Улар ҳарбийликни танлаган

— Ҳарбий жамоамизда хизмат қилаётган аёлларнинг бари илғор ва бирибиридан гўзал, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Комилжон Мамутов. — Очиғи, эр йигитлар билан бир сафда хизмат қилишнинг, ҳарбий касб қийинчиликларида дош беришнинг ўзи бўлмайди. Улар жанговар ва бошқа тайёргарлик машғулотларида фаол қатнашади. Ўзларига топширилган вазифаларга масъулият билан қарашиб, кўнгилдагидек бажаришади. Шу боисдан ҳам сингилларимиз ҳақида фақат яхши гаплар ва мақтовлар айтиш мумкин.

Турли масъулиятли лавозимларда шартнома асосида хизмат қилиб келаётган аёлларимиздан сержант Надежда Шигабутдинова, кичик сержант Гулзира Олланазарова, оддий аскар Жаннат Қурбонниёзова, хизматчиларимиздан Гулпаршин Бекимбетова, Гулхумор Авазмурадова ва Дамира Саитовалар доим сафдошлар ҳурматига сазовор бўлиб келишмоқда. Худди шунинг учун ҳам улар бир неча бор қисм командири буйругига асосан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланганлар.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, юртимиз осойишталигини сақлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган сафдошлар!

Шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай АРЗИЕВ ёзиб олди.

Мақсад—ҳамкорликни янада кенгайтириш

6 март куни Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари «Дўрмон» қароргоҳида бўлиб ўтди. Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Словакия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чогида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Словакиянинг муайян масала ё вазиятга бераётган баҳоси, қарашлари ва муносабатлари яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Словакиянинг Европа ҳамжамияти ва Евро-Атлантика тузилмасига интеграциялашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва унинг бу борадаги ютуқлари икки томонлама ҳамкорлик ривожи учун янги имкониятлар очишига қатъий ишонч билан қарайди. Ўз навбатида, Словакия Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсат майдонидаги фаол ҳаракатларини ва халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдамини юксак даражада қадрлайди.

Икки мамлакат раҳбарияти ҳам, БМТ, НАТО, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида халқаро уюшган жиноятчилик, қуроллар ва наркотик моддалар контрабандаси, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш лозим, деган фикрни ёқлайди.

Президентлар ўзаро муносабатларни муҳокама қилар экан, савдо-иқтисодий соҳада мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётганини қайд этди. Ўзбекистонда словакиялик шериклар билан тузилган қўшма корхоналар сони анча кам. Савдо-иқтисодий муносабатларни баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтайдиган экспорт-импорт ҳажми ҳам томонларни қониқтирмайди. Президентлар иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг фаоллигини ошириш ҳамда Словакияга Ўзбекистондан мутахассис ва ишбилармонлардан иборат делегация жўнатишга келишиб олди. Матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу делегация бевосита корхона ва ташкилотларда бўлиб, ҳамкорлик имкониятларини ўрганади. Мулоқотлар ниҳоясига етгач эса, Словакия Президенти қабулида бўлиб, қандай натижаларга эришилгани ҳақида ахборот беради. Яъни, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масаласи давлат раҳбарларининг назоратида бўлади.

Ўзбекистон ва Словакия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ҳам асосан иқтисодий ва сиёсий масалаларга эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов машинасозликда, жумладан, саноатнинг тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, мебелсозлик каби тармоқлари ускуналарини ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик самарали ривожланишн мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, компьютер техникасига оид соҳаларда илмий-техникавий ҳамкорлик имкониятлари катта эканлигини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУЛИК ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Миллатимиз тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, ҳимоялаш ҳар бир инсон учун ҳамиша шарафли иш, мардлик ва жасорат намунаси бўлиб келган. Аёлларимизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлому баркамол авлодни тарбиялашда ва шу асосда ҳар бир оила, маҳалла, бутун юртимизда осойишталик, қут-барака ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган хизматларини Ватанимиз юксак қадрлайди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Тантанада сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт каби соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва мавқеи ортиб бораётганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазкур мукофотга сазовор бўлган иқтидорли қизлар тантанали равишда тақдирланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Зулфия мукофотининг бу йилги совриндорлари — Фазу Шержанова, Екатерина Аблаева сўзга чиқиб, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини намоён этиш учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

● ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

ҚИСМИМИЗ—ФАХРИМИЗ

«Обод маҳалла йили»га бағишлаб катта лейтенант Темур Жумаев командирлик вазифасини бажараётган ҳарбий жамоада ўзига хос ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида қисмнинг чиройига-чирой қўшилаётганини таъкидлаш жоиз. Қисм ҳовлисидаги ям-яшил ўт ва майсалар атрофи ғиштлар билан ўралиб, оҳакланди. Мевали, манзарали дарахтларнинг қуриган шох-шаббалари кесилиб, чиройли шакл берилди. Қолаверса, юзлаб туп атиргул, алликдан анёд чинор кўчатлари ўтказилди. Энди бунёдкорлик ишларидан сўз очсак, Тарғибот кўргазмалари янгиланиб, назорат-ўтиш жойи, жанговар техникалар парки, штаб, коровулхона таъмирланди. Бу ишларда лейтенантлар—Суҳбат Ҳайдаров, Шуҳрат Отақўзиев, шартнома бўйича хизмат сержантлари Шукрулло Яров, Қаҳрамон Раҳматов, Қуролли Кучлар хизматчилари Амириддин Эсонов, Рустам Турсуновларнинг жонкуярлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Ҳарбий қисм — уйимиз, маҳалламиз. Уни обод қилиш ўзимизнинг қўлимизда. Нафақат бунёдкорлик ишлари билан, балки аъло хизматлар билан ҳам уни обод этиш мумкин. Мен бундайин ҳарбий қисмда хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Хатто бу ерда шартнома бўйича хизматга қолиш ниятим ҳам бор, — дейди когонлик оддий аскар Ғавшан Жумаев.

Ҳа, бундайин аҳил ҳарбий жамоада хизмат қилишнинг ўзи ҳам фахрлидир.

Майор Б. БОЛТАЕВ,
Термиз гарнизони.

Самарқанд саноси • Пульс планеты

Иностранные политические наблюдатели дали крайне негативную оценку методам проведения второго тура президентских выборов в Армении. Глава наблюдателей от ОБСЕ Петер Эйхер заявил на встрече с журналистами: «Выборы были крайне далеки от международных стандартов. Мы разочарованы, так как надеялись на лучшее». По словам Эйхера, в Армении его коллегами были зафиксированы многочисленные нарушения избирательных норм, в частности, вбросы фальшивых бюллетеней в урны для голосования.

***

Президентские выборы в Латвии отложены на три месяца. Об этом сообщил премьер-министр страны. Ранее планировалось провести выборы 12 марта, но парламент решил отложить их до июня. По прогнозам аналитиков, нынешний президент страны Вайра Вике Фрейберга, скорее всего, сохранит свой пост.

***

Решение о вступлении России во Всемирную торговую организацию будет принято, только если это пойдет на пользу всей российской экономике. Об этом заявил Владимир Путин, выступая на совещании по вопросам социально-экономического развития Уральского федерального округа. Как подчеркнул президент, вопрос о вступлении в ВТО «нужно решать без спешки, с умом», чтобы это пошло «на пользу российской экономике в целом». При этом, как отметил глава государства, «ясно, что могут возникнуть проблемы — их надо предвидеть». Нужно, чтобы экономика готовилась к вступлению в ВТО, сказал Владимир Путин.

***

Главный прокурор Гаагского трибунала по бывшей Югославии Карла дель Понте обвинила власти Сербии и Черногории в отсутствии политической воли. По мнению дель Понте, для ареста обвиняемых в военных преступлениях Радована Караджича и Ратко Младича нужна только политическая воля, поскольку местонахождение обоих известно сербским властям. «Никто в Сербии больше не отрицает, что Младич находится в Сербии. Это хорошо известно, Белградские власти знают, что Младича защищает часть армии», — заявила дель Понте. Также дель Понте считает, что Радован Караджич скрывается в одном из монастырей на территории Черногории.

***

Болгария закрыла свое посольство в Багдаде. Все сотрудники посольства в ближайшее время будут эвакуированы. По словам представителя МИД Болгарии, такое решение принято, поскольку существует опасность того, что болгарские дипломаты могут стать заложниками либо целями терактов из-за позиции Болгарии, поддерживающей позицию США в иракском вопросе.

***

По последним данным, в авиакатастрофе в Алжире погибли 103 человека. По данным алжирского информагентства «АПС», на борту находились 98 пассажиров и 6 членов экипажа. Одному человеку удалось выжить. Среди пассажиров были семеро граждан Франции. По свидетельству очевидцев, сразу после взлета загорелся один из двух двигателей самолета.

***

Президент США Джордж Буш заявил на пресс-конференции в Белом доме, что лучшим способом разрешения северокорейского кризиса является многосторонний подход с участием США, Японии, Китая, Южной Кореи и России. «Это региональный вопрос. Я сказал — региональный — потому, что существует много стран, которых самым непосредственным образом интересует вопрос о том, обладает ли КНДР ядерным оружием», — заявил Буш.

***

Неизвестные люди разрушили часть забора в демилитаризованной зоне на иракско-кувейтской границе. Об этом сообщили наблюдатели ООН. «Это началось с 5 марта и продолжалось до вчерашнего дня, сейчас эти действия остановлены», — заявил Далжит Багга, представитель Иракско-кувейтской наблюдательной миссии, добавив, что миссия занялась расследованием этого инцидента. Некоторые кувейтские издания сообщают, что забор будет частично разобран на этой неделе в рамках подготовки наземной атаки. Этот забор под электрическим напряжением был установлен после того, как в 1991 году иракские войска были вытеснены из страны в соответствии с резолюцией Совета Безопасности ООН.

(По страницам Интернета).

Мақсад—ҳамкорликни янада кенгайтириш

(Давоми. Боши 1-бетда).

Рудольф Шустернинг сўзларига кўра, Ўзбекистон раҳбари икки томонлама муносабатлар ва Словакияда кечаётган жараёнларни теран идрок этади. Словакия Президенти яккама-якка суҳбат сермазмун кечганидан мамнуният изҳор этди ва Ислом Каримовнинг ўзаро алоқаларга бундай ёндашувини юксак даражада қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон билан муносабатларимиз жадал ривожланмоқда. Фақат ҳуқуқий асос мустаҳкамлигига қарамай, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик кўлами паст. Биз, аввало, шу соҳадаги алоқаларимизни ривожлантириш учун Ўзбекистонга келдик. Бизнингча, бу борада қўшма корхоналар тузиш энг самарадор йўлдир. Ўзбекистон Президенти билан суҳбат чоғида фикрларимиз бир жойдан чиқди, деди Словакия раҳбари.

Таъкидламоқ жоизки, ҳар бир корхона, ҳар бир давлат фойда бор жойга ошиқади, ўша ерда ўз ўрнига эга бўлишни хоҳлайди. Ўзбекистонда словакиялик ишбилармонлар учун шундай имкониятлар мавжуд. Тўқимачилик саноатини мисол келтириш мумкин. Бу соҳаси яхши ривож топган Словакия хомашёни бевосита Ўзбекистондан олмайди. Амалда эса, хомашё, иш кучи, транспорт ва савдо нуқтаи назаридан энг катта қулайликлар таъминланадиган қўшма корхона тузишга эътибор суст. Шериклик асосида тузиладиган қўшма корхоналар, нафақат икки мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондириш, балки бошқа мамлакатлар бозорларига кириб бориш имконини беради. Айниқса ўз минтақаларининг марказида жойлашган Ўзбекистон билан Словакия бундай имкониятларни ишга солишдан катта наф кўриши тайин.

Жуғрофий жойлашувнинг сиёсий аҳамияти ҳам анча катта. 2004 йилнинг 1 майида Словакия Европа Иттифоқининг аъзоси бўлади. Бу эса, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик битимининг аҳамиятини янада оширишда Европанинг марказидаги давлат — Словакия муҳим ўрин тутиши мумкин, дегани-дир. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Прагада Словакия НАТОга ҳам расман таклиф этилди. Рудольф Шустер ўз мамлакатининг мазкур тузилмага қўшилиши тегишли ҳужжатларнинг ратификацияси билан боғлиқлигини таъкидлар экан, ушбу жараён 2004 йили муваффақиятли якунланишига ишонч билдирди. Демак, Ўзбекистон НАТО доирасида бу мамлакат билан ҳамкорликни янада кенгайтириши мумкин. Лекин президентлар, алоқаларни янги погонага олиб чиқиш учун хозирданоқ амалий ҳаракатларни бошлаш лозим, деган якдил фикрни айтди.

Музокараларда Словакия томони Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги музокараларда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашини билдирди. Шунингдек, Рудольф Шустернинг Словакия 2006—2007 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзоси бўлишини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифини Ислом Каримов маъқуллади.

Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини 17 ҳужжат ташкил этар эди. Улар орасида Президентимизнинг 1997 йил 16 — 17 январь кунлари Словакияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш ҳамда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар алоҳида ўрин тутади. «Дўрмон»даги музокаралар якунида бу ҳужжатлар сирасига яна иккитаси қўшилди. Ўзбекистон билан Словакия ўртасида икки томонлама солиқ солиш ва мулкдан келадиган даромаддан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словакия «Эксибанки» ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

«Дўрмон»даги тадбирлар ниҳоясига етгач, Словакия раҳбари Ўзбекистон Бош вазири У. Султонов ҳамроҳлигида Хотира майдонига ташриф буюрди. Юксак мартабали меҳмон эрк ва тинчлик йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсаро она» ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Словакия Президентига мазкур академиянинг Фахрий доктори унвони берилди. Рудольф Шустернинг бу ерда таълим бераётган олим ва мутахассислар ҳамда таҳсил олаётган талабалар билан учрашувида икки мамлакатнинг маданий-маърифий, илмий алоқалари хусусида сўз борди.

Словакия раҳбари Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, нодир экспонатларни кўздан кечирар экан, Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида маънавий қадриятларни тиклаш, аждодлар меросини ўрганиш, буюк алломалар ҳурматини жойига қўйиш борасида ўрнак бўлгулик ютуқларга эришганини таъкидлади. Зиёрат сўнггида Рудольф Шустер музейининг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битиб қолдирди.

Шу билан Словакия раҳбари ташрифининг расмий қисми ниҳоясига етди. 7 март куни юксак мартабали меҳмон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилишни режалаштирган.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Словакия Президенти Рудольф Шустер 7 март куни Самарқандга келди. Юксак мартабали меҳмон шаҳарнинг тариҳий-меъморий ва маданий обидаларини зиёрат қилди. Истиқлол йилларида бунёд этилиб, Самарқанд ҳуснига кўрк бағишлаётган янги иншоотлар ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўздан кечирди.

Словакия раҳбари айниқса Регистон мажмуидан катта таассурот олганини таъкидлади. Р. Шустер миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини катта қизиқиш билан кўздан кечирди. Сиёб бозорида саховатли заминимизда етиштирилган ноз-неъматлар ва Самарқандниng машҳур нонларидан татиб кўрди.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон «очиқ осмон остидаги музей» дея таърифланадиган яна бир қадимий шаҳримиз — Бухорога ташриф буюрди. Словакия раҳбари бу ердаги маданий ёдгорликлар, қўҳна обидалар билан танишди. Шаҳар зиёрати асносида меҳмон шарафига маҳаллий санъаткорлар ижросида миллий куй ва қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди.

Шу билан Словакия Президенти Рудольф Шустернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Таъкидламоқ жоизки, ўтган мулоқотлар жуда самарали бўлди. Эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги погонага кўтаришга шубҳа йўқ. Бунга Р. Шустернинг қуйидаги сўзларидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин:

— Ўзбекистонга мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун келган эдим. Ташриф самарали бўлди. Ислом Каримов билан ҳамкорлигимизнинг турли жиҳатларини муҳокама қилдик. Ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларнинг истиқболи порлоқдир.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВАКИЯ БИЗНЕС-СЕМИНАРИ

Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустернинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида бизнес-семинар уюштирилди. Тадбирда Словакия ҳамда Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

Мазкур семинар Ўзбекистон билан Словакия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 10 йил тўлган вақтга тўғри келгани билан аҳамиятлидир. Ўтган давр мобайнида нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайди, балки самарали ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий база ҳам яратилиб, мустаҳкамланди. Икки давлат ўртасида имзоланган сиёсат, иқтисодиёт, савдо, фан ва таълим соҳаларига оид йигирмага яқин ҳужжат бунга яққол мисол бўла олади.

Семинарда ишбилармонларга Ўзбекистон ва Словакияда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг борishи ҳақида атрофлича маълумот берилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар ва тадбиркорлар фаолияти учун барча қулайликлар яратилган. Мавжуд шарт-шароит икки мамлакат ишбилармонларини рағбатлантириб, янада фаолроқ бўлишга ундайди.

Тадбирда ишбилармонлар ўртасида мунтазам мулоқотларни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди. Ҳамкорликда муайян дастурлар ва амалий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш вақти аллақачон келгани қайд этилди.

(ЎзА).

● АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 900 ЙИЛЛИГИГА

БУЮК МУТАСАВВУФ МЕРОСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида тасаввуф илмининг буюк намояндаларидан бири Абдулхолиқ Ғиждувоний қаламига мансуб ва у ҳақдаги бир қанча асарлар мавжуд.

— Буюк тасаввуфшунос олимнинг шогирди Хожа Авлиёи Кабирга бағишлаб ёзган «Одоби тариқат» асари «Васиятнома» деб ҳам юритилади,— деди институт қўлёзмалар хазинаси мудири Маҳмуд Ҳасаний ЎзА мухбирига.— Ундан Хожагон тариқати асосчиси Ғиждувонийнинг издошларига насиҳатлари ўрин олган. Йигирма бобдан иборат «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» (Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг айтганлари) асарининг ҳар бир бобида тасаввуфнинг бирор масаласи баён қилинади. Бундан ташқари, тасаввуф илми билимдони ўз пири Юсуф Ҳамадоний ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» асарини битиб қолдирган. Бу китоб «Рисолайи соҳибия» номи билан ҳам машҳур.

Вазирлар Маҳкамасининг «Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида институт олимлари томонидан буюк мутасаввуф мероси кенг ўрганилмоқда.

Б. ҲИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

● АРМИЯ МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

ЙИГИТ КИШИНИНГ БУРЧИ

— Ёшлигимда ҳарбий машиналарни кўриб қолсам, ҳайратимни яширолмасдим, — дейди суҳбат чоғида оддий аскар Азимбек Бурхонов.— Агар шу дам ёнимда ёши улуғ киши бўлса, уни саволларга кўмардим.

Йиллар ўтиб, ҳизматга ҳам чақирилдим. Ҳозир ўша ўзим ҳайрат билан қараган ҳарбий техникаларни бемалол бошқара оламан.

Бўлинмамиз командири капитан Б. Убайдуллаев машғулотлар пайтида ниҳоятда эҳтиёткор ва сергак бўлишимизни қайта-қайта уқтирадилар.

Мен дастлаб бу ерга келганимда, армия ҳаётига кўника олмай юрдим. Чунки саҳар — олтида уйғониш, сўнг бадантарбия ва ҳарбий машғулотлар... Энди бўлса, эрталабки бадантарбия жонимдилим.

Армияда мен жуда кўп нарсани ўргандим. Ватан тушунчасининг нечоғли эканлигини ҳис қила бошладим. Ота-онам, юртим қадрини чуқур тушундим.

Биз бўш вақтимизни беҳудага ўтказмаймиз. Дам олиш кунлари аскарлар клубида видеофильмлар томоша қиламиз, тез-тез концертлар бўлиб туради.

Бу ерда сержантлар—А. Матёқубов, Ф. Эргашев, оддий аскарлар — А. Ҳолиқов, А. Тўраев каби кўплаб ажойиб дўстлар орттирдим. Хизматни бошлаганимга кўп вақт бўлмаса-да, мен ўзимда бўлаётган ўзгаришларни сеза бошладим. Шундай хулосага келдим, ҳарбий хизматни адо этиш ҳар бир йигит кишининг шарафли бурчидир.

Лейтенант Ҳасан МИРЗАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

НУР ТАРАТУВЧИ ГУЛ

Нургул тиббиёт пунктида стационар муолажадаги беморларни бир сидра кўздан кечирди. Ҳар бирига белгиланган муолажани бажарди. Сўнгра касаллар учун мўлжалланган таомлар сифатини текширди. Ахир, у бугун тиббиёт пункти бўйича навбатчи. Хасталар ётган хоналарни шамоллатди, беморлар ҳароратини ўлчади. Ҳарбий хизматчиларнинг тиббий дафтарчаларини тартибга солди. Хуллас, вазифаси талаб қиладиган барча ишни бекаму кўст бажарди.

Доим шунақа, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти тиббиёт йўриқчиси Нургул Абдуллаева навбатчиликка турганида ҳамма иш сариштa бўлади.

Нургул 2000 йилда Муборак тиббиёт билим юртини тугаллаб, фаолиятини Қуролли Кучларимиз сафида бошлади. Мустақиллигимизнинг 10 йиллигида эса эгнига ҳарбий либос кийди. Ўз соҳасининг устаси бўлган бу қиз бирон-бир шифохонада ҳам бемалол ишлаб кета оларди. Аммо у ҳарбий бўлишга ҳавасманд эди. Буни Нургулнинг ўзи қуйидагича изоҳлайди:

— Онлада беш қиз, бир ўғилмиз. Ўғил укамга ҳавасим келарди, армияга боради, аскар бўлади, деб. Буни қарангки, ҳавасим ўткинчи эмас экан. Соҳа ўй-хаёлимни банд этди. Ўз-ўзидан ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги кўрсатувларнинг, «Ватанпарвар» газетасининг мухлиси бўлиб қолибман. Телевизорда, газетадаги аёл ҳарбийларни кўриб, «нима, менинг шулардан кам жойим борми? Интилсам мен ҳам эгнимга ҳарбий либос кийишим мумкин», дердим ўзимга-ўзим. Мана, орзуимга етдим. Тўғри, вазифамга кўра санитария йўриқчисиман. Аммо аскарлар билан полигонга чиқишга ҳам тўғри келган. Шунда ҳатто командирлардан рухсат сўраб, автоматдан нишонга отганман ҳам. Биринчи натижа ёмон бўлмади. Техникага қизиқиб, бу жанговар техниканинг бошқарилишини механик-ҳайдовчи ёнида кузатганман.

Ҳа, қўйиб берсанг, ўзбегимнинг бу шаддод қизи аскар йигитларни ҳам дорда қолдирмоқчи. Момоси Барчиной-да уларнинг, Қалмоқнинг машҳур паҳлавонидан бирини даст кўтариб, ерга урган Барчиной.

Юқоридаги лавҳада кичик сержант Абдуллаеванинг ҳизмат фаолиятидан бир шингил ҳикоя қилдик, холос. Санитария йўриқчиси фельдшер ҳам ҳисобланади. У капитан Олим Болиев командирлик қилаётган батальон фельдшери. Оқ халатли юрт ҳимоячиси ҳарбий тиббиёт соҳасини чуқур ўрганиш мақсадида Қарши ҳарбий госпиталида малака ошириб қайтди. Энди Тошкентдаги Марказий ҳарбий клиник госпиталида тажрибалар орттириш нияти бор. Бир ишга жаҳд қилдими, уни охирига етказмай қўймайди. Ана шунақа ижобий қайсарлиги бор.

— Қишки ўқув мавсуми машғулотларида посбонларнинг грипп билан хасталаниш хавфи бўлади. Шу боис батальон ўртасида тез-тез профилактик тадбирлар ўтказаман. Уларга биринчи ёрдам кўрсатиш тартиби хусусида машғулотлар ўтаман. Шукрки, ушбу мавсумда жамоамиз посбонларида грипп аломатлари кўп бўлмади. Ёзги ўқув мавсумида эса улар билан офтоб уришидан сақланиш бўйича қатор тадбирлар ўтказганим ўз самарасини берди,— дейди фельдшер.

Нургул — атрофга нур таратувчи, файз таратувчи гул, дегани бўлса керак. Хато қилаётган бўлсам, тағин билмадим. Бироқ ҳарбий либос кийиб, эр ўғлонлар билан бир сафда юрт ҳимоясига муносиб улуш қўшаётган бу қиз эзгу ишлари билан Ўзбекистоннинг бир гули бўлиб файз тараташётгани бор гап.

Капитан
Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Марям Тожимирзаева ўз соҳасининг билимдонларидан. Электрон ҳисоблаш машиналари оператори вазифасидаги бу аёлнинг жамоа жанговар тайёргарлигида ўз ўрни бор. Операторман, деб қараб ўтирмайди. Ҳали Умумҳарбий низомларни ўрганади, ҳали ҳарб илмининг бошқа жиҳатларини. «Тақдиримни шу соҳа билан боғладимми, ҳақиқий ҳарбий бўлишим керак», дейди у.

Армиямиз профессионаллашув сари дадил борар экан, касбий маҳоратни оширишга мунтазам эътибор бериш муҳим. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Тожимирзаевани олқишлаш мумкин. У ўз соҳаси ҳақида доимо янгиликларни, тадқиқотларни ўрганишдан эринмайди.

Александр МРУЧАК суратга олган.

Ҳамкорликда гап кўп

Мана бир неча йилдирки бизнинг Чирчиқ олий танк қўмондонлик - муҳандислик билим юрти курсантлари ва Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабалари ўртасида ўзаро дўстона муносабатлар, ҳамкорлик шакланиб бормоқда. Яқинда Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг бир гуруҳ фаоллари, институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректори Жумали Шабанов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг билим юртидаги бошланғич ташкилоти раиси лейтенант Б. Зулфиқоров ташаббуси билан «Ўзбекистон ёшларда ватанпарварлик ва миллий гурур» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманни Ж. Шабанов кириш сўзи билан очиб, институтда талабаларнинг маънавий-маърифий тарбияси даражасини шакллантириш учун катта ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг роли хусусида Тошкент Давлат авиация институти вакили сўзга чиқди. Билим юрти ижтимоий фанлар кафедраси бошлиғи майор Алипаша Аҳмедов «Ватанпарварлик ва ҳарбий бурч» ҳақида қатнашчиларга маъруза қилди. Айниқса, анжуман иштирокчиларида билим юртимиз ҳаётидан олинган видеолавҳалар жуда катта таассурот қолдирди.

Ўйлайманки, билим юртимиз ва олий ўқув юртлари ўртасидаги бундайин ўзаро ҳамкорлик ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Катта лейтенант
Зафар ҚОСИМОВ,
билим юрти ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Военно-политические новости

ДОСТАТОЧНО ЛИШЬ...

Представители Северной Кореи в пятницу заявили, что для разрешения четырехмесячного кризиса по поводу ядерных программ КНДР достаточно лишь желания США участвовать в переговорах. «Широко оглашаемая США проблема Корейского полуострова может быть решена, как только у США появится желание заняться урегулированием путем переговоров с КНДР», — заявляет официальное информационное агентство КНДР ЦТАК.

ВАЖНЫЙ ФАКТОР

В Москве приветствуют единодушное решение сената США ратифицировать российско-американский договор о сокращении стратегических наступательных потенциалов (СНП). Об этом говорится в заявлении МИД России. В нем выражается уверенность, что «после ратификации Московского договора (об СНП) Федеральным собранием России и вступления его в силу, он станет важным фактором стратегической стабильности и глобальной безопасности в международных отношениях XXI века».

ОПАСЕНИЕ НАТО

Руководство НАТО опасается за результаты референдума, назначенного на 23 марта, по вопросу о присоединении к альянсу Словении. Как сообщил в четверг пресс-секретарь НАТО Ив Броде, в случае отказа граждан Словении поддержать идею вступления в НАТО, «это не станет для нас хорошей новостью». По словам Броде, в настоящее время НАТО важно продемонстрировать, что кризис в организации в связи с подготовкой военной операции в Ираке преодолен, и отрицательный ответ Словении стал бы новым ударом. Между тем опросы общественного мнения показывают, что число сторонников вступления Словении в НАТО снизилось до 37% в феврале по сравнению с 50% в декабре прошлого года.

СЕРИЯ ТЕРАКТОВ

Арестованный в Пакистане ближайший соратник Усамы бен Ладена шейх Мохаммед рассказал спецслужбам о том, что «Аль-Канда» планирует организовать серию терактов против американских военных в Персидском заливе. Об этом сообщила влиятельная американская газета «Вашингтон Пост». Пакистанские официальные лица рассказали журналистам газеты, что Мохаммед заявил, что его арест нисколько не уменьшит потенциал «Аль-Канды». «Если начнется война в Ираке, то американские военные базы в Персидском заливе будут атакованы. У меня нет никакой информации по этому поводу, но шестое чувство мне подсказывает, что США получат плохие новости из Саудовской Аравии, Катара и Кувейта», — сказал шейх Мохаммед.

(По страницам Интернета).

● ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!

В ОТПУСК—К ДОЧЕРИ

Для дизелиста-электрика рядового Мухаммада Кучкарова минувший праздник — День защитников Родины — запомнился особенно — отличный воин удостоился краткосрочного отпуска.

В родном городе Ходжабаде, что в Андижанской области, солдата с распростертыми объятиями встретили не только родители, но и своя семья. Незадолго до призыва в армию Мухаммад женился.

Было и еще одно веское основание солдату так радоваться этому отпуску — накануне из дома пришла весть о рождении дочери. Специалисту-филологу, закончившему отделение английского языка, конечно же, было приятно общаться с родной малышкой, что-то ворковавшей отцу при встрече.

— Дело даже не столько в том, что рядовой Кучкаров стал отцом, — рассказывает о подопечном начальник радиолокационного отделения капитан Шухрат Кахрамонов. — Отпуска он удостоился за добросовестность и профессионализм на своем месте дизелиста-электрика. Освоил воинскую специальность довольно быстро, трудолюбив.

Что ж, отрадно сознавать, что парень с гуманитарным образованием не растерялся при виде сложной радиоэлектронной техники, нашел свое место в строю. Очевидно, что командиры уделяют достаточно внимания вопросам обучения личного состава.

Перед батальоном связи и радиотехнического обеспечения, где заместителем командира по воспитательной работе капитан Обиджон Юлдашев, стоят большие и сложные задачи по созданию всех условий для безопасности полетов военной авиации. И то, что в успехе труда большого коллектива есть скромный вклад дизелиста-электрика рядового М. Кучкарова, согреет душу солдата. Вернувшись на дома, он не только угощал сослуживцев домашними гостинцами и показывал фотографию дочурки и супруги, но и рассказывал им о том, как возрос в народе авторитет защитников Родины, как гордятся ими сограждане.

Заступая в наряд, сжав в руках боевое оружие, Мухаммад на боевом посту знает точно: он хранит сон и покой мирных граждан, в том числе и своей дочурки.



Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
На снимке: **рядовой М. Кучкаров за работой.**
Фото
Александра МРУЧАКА.

ХОРОШИЕ ПОМОЩНИКИ У КОМАНДИРА

— В нашем подразделении служит немало воинов, имеющих высшее и незаконченное высшее образование, — рассказывает заместитель командира взвода по воспитательной работе старший лейтенант М. Худайбердыев. — Все они с первых дней службы проявили склонность к общественной работе. С успехом выступают перед своими сослуживцами с лекциями, беседами, проводят общественно-политические информации. Эти воины по праву считаются активистами, являются нашими боевыми помощниками.

Среди активных общественников офицер назвал младшего сержанта А. Багдасарова, рядовых У. Раджабова, Д. Маджидова, Х. Атаджанова. Темы их выступлений разнообразны. В первую очередь — это пропаганда материалов IX и X сессий Олий Мажлиса, праздничного Поздравления Президента вооруженным защитникам Родины, рассказы о достижениях Узбекистана в экономике, культуре, образовании, других сферах общественно-политической жизни.

Командир, его заместитель по воспитательной работе и все офицеры умело направляют деятельность активистов подразделения на воспитание у воинов добросовестного отношения к ратному труду, развитие их активности в учебе и службе. В результате в каждой группе, секции постоянно поддерживается здоровая нравственная атмосфера настоящей товарищеской дружбы, высокой дисциплинированности и исполнительности, неукоснительного выполнения требований Военной присяги и воинских уставов.

По инициативе активистов стали проводиться и хорошо зарекомендовали себя вечера, на которых воины рассказывают о самых интересных событиях, делах и фактах из своей жизни, о планах на будущее. Такие вечера (в этом убедились здесь все) сближают личный состав, помогают лучше узнать друг друга, укрепляют войсковое товарищество.

В этом подразделении уделяется серьезное внимание и патриотическому воспитанию личного состава. С этой целью организуются встречи с участниками войны 1941—1945 гг., передовиками производства, руководителями предприятий.

— Важнейший источник патриотизма — любовь воинов к родному краю, к тем местам, где проходили их детство и юность, — говорит младший сержант А. Багдасаров. — Вот почему мы, активисты, большое внимание уделяем показу достижений тех областей, откуда призывались наши сослуживцы. Каждый из них проявляет живой интерес к трудовым успехам своих земляков. Всем запомнились проведенные у нас вечера «В твоем родном краю», «Час родительского письма».

В подразделении немало воинов, побывавших за успехи в службе в краткосрочных отпусках. Обычно их рассказы о том, что увидели дома, о тех изменениях, которые произошли в их городе или кишлаке, никого не оставляют равнодушным. Поэтому традиционными стали здесь и вечера под названием «Вернулся я из дома». Перед сослуживцами своими яркими впечатлениями о прошедших отпусках поделились недавно передовики соревнования рядовые Д. Атамурадов и В. Батыров.

На счету активистов подразделения немало и других славных дел. Многое ими сделано и делается по пропаганде опыта отличников учебы, классных специалистов. Они часто организуют их выступления перед личным составом. Вот и недавно рядовые Ш. Курбанов, З. Нурматов рассказали сослуживцам о методах и приемах образцового выполнения упражнений, содержания и эксплуатации вверенной им техники.

Во взводе вся идейно-воспитательная работа проводится в неразрывной связи со стоящими перед подразделением задачами. Она направляется на формирование у личного состава высоких морально-боевых и психологических качеств, развитие активности в борьбе за выполнение принятых обязательств.

Сергей БУДАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

● ҚИСМ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДАН

Шунчаки ҳавас эмасди орзуи

Болаликда орзулар бир олам бўлади. Негаки, бу даврда болаларча ҳавас билан дунёни кашф эта борасиз. Аммо Муҳаббатнинг орзуини шунчаки болалик ҳаваси деб бўлмасди. «Мен ҳарбий бўламан», дерди дугоналарига. Ҳатто ўша пайтлар Россиядаги ҳарбий билим юртларидан бирига ҳужжат тайёрлаган. Аммо ота-она оқ фотиҳасини ололмади. «Сенга ҳарбийликни ким қўйибди. Аёлларга хос бир касбни танласангчи», дея юпатган бўлди Данчагул ая қизини. Эҳ-ҳе, ўша пайтлар бу қайсар қизнинг изтиробларини оламга сиғмади. «Нега қиз бўлиб туғилдим-а, ўғил бола бўлганимда рухсат беришса, беришмаса, ҳарбий бўлардим», дея сиқилган пайтлари бўлди. Изтироб оғриқларига вақт малҳам қўйди. Гўёки, бундай орзу бўлмаган. Бироқ қалбда бу орзудан қолган изларни ҳеч ким супуриб ташлолмади. Истиқлол сўнган орзуни яна алангалатди. Гарчи ҳарбий либос кийишига бир оз кеч бўлган бўлса-да, Қуролли Кучлар хизматчиси бўлди.

— Биз аёллар кўпроқ баҳорни севамиз. Ҳатто шоирлар бизни шу фаслга қиёслашган ҳам. Аммо мен баҳорни бошқа бир сабаб билан ҳам алоҳида қадрлайман. У менинг болалик орзуимни рўёбга чиқарди. Айнан биринчи мартдан Қуролли Кучлар сафидаман. Мана, бунга ҳам тўрт йилдан ошибди, — дейди суҳбат давомида қисм хотин-қизлар кенгашининг раиси Қуролли Кучлар хизматчиси Муҳаббат Ҳамроева.

Ҳарбий соҳага ўтгунига қадар у туман ҳокимлигида ишлади. Маъмурий ишларни жой-жойига қўйиши, ташкилотчилиги ҳам ўша даргоҳда тўплаган тажрибалари мевасидир. Муҳаббат опа танкчилар қисмида хизмат бошлаган биринчи аёл. Бунга ургу бераётганимиз сабаби, иш бошлаган пайтларда аскарлар баъзи бир муаммоларини айтиш учун тез-тез унинг олдига келишарди. Яъни, у том маънода ҳарбий қисм онасига айланди.

— Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан мунтазам алоқа ўрнатганмиз. Нафақат ҳарбий қисмда, балки юрт ҳимоячилари яшаётган маҳаллаларда ҳам байрамларни нишонлаймиз, ташкиллаштирамиз. Жамоамизда эр-хотин ҳарбийлар ҳам бор. Масалан, капитан Алиёр Раҳимов ва рафиқаси Ёркиной Раҳимова, катта лейтенант Юрий Киосия ва рафиқаси Елена Киосия, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Азамат Кенжаев ва рафиқаси Қумри Абдураимова, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Комил Нарзиев ва рафиқаси Дилдора Акрамовалар шулар жумласидан. Эр-хотин ҳарбийлар сафи анчагина эканлиги иш юритишимизда асқотади. Улар мисолида оилавий муаммоларни ўрганишим, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишим мумкин. Тошкент, Термиз каби гарнизонларда йиғинларда қатнашиб, қисм хотин-қизлар кенгашлари тажрибаларини ўргандим. Мақтанишга йўймангу, мен шу вазифада фаолият юритаётганимдан бери ҳарбий хизматчиларимиз ўртасида жиддий оилавий келишмовчилик, муаммо бўлгани йўқ.

Биласиз, нафақат офицерлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар оилалари, балки аскарлар билан ҳам ишлашимизга тўғри келади. Кейинги пайтдаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, менга мурожаат қилаётган аскарларнинг аксарияти шартнома бўйича хизматга қолиш ниятининг амалга ошишига ёрдам беришни сўрашган. Бу ҳам бўлса йигитларимизда соҳага муҳаббат ортаётганидан, — дейди Муҳаббат опа.

Мақола аввалида орзу ҳақида сўз очдик. Гарчи М. Ҳамроевага айнан ҳарбий бўлиш насиб этмаган бўлсада, у бугун орзуи давомчилари борлигидан хурсанд. Масалан, синглиси Дилшода шартнома бўйича хизмат кичик сержанти. Тўнгич ўғли Шерзод айни пайтда ҳарбий билим юртига кириш учун ҳужжат тайёрлаяпти. Дарвоқе, Муҳаббат опанинг Беҳзод, Жалолиддин исмли ўғиллари ҳам бор.

Бугун мазкур жамоада 8 март — Хотин-қизлар куни байрами ўзгача бир шодиёнада нишонланади. Ахир қисм хотин-қизлар кенгаши бу байрамни ўтказишга турли режалар тузиб, олдиндан тайёрланган. Наврўзда эса ҳарбий хизматчилар оилаларини жамлаб, сумалак пиширириш, ўйин-кулгу қилиш анъанага айланган.

Биз — ижодкорлар қисм хотин-қизлар кенгаши раисларини ўша жамоанинг онаси, деб атаймиз. Бу номга муносиб бўлаётганлар сафига Қуролли Кучлар хизматчиси Муҳаббат Ҳамроевани ҳам бемалол қўшишимиз мумкин.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

● МАТЕРИНСКОЕ ПОЖЕЛАНИЕ

«ПУСТЬ ЖДУЩИЕ ДОЖДУТСЯ ОБЯЗАТЕЛЬНО...»

Накануне праздника редакция получила из Ургенча письмо от матери воина-пограничника, погибшего при исполнении служебного долга. В материнском сердце вместе с болью утраты — благодарность к людям в погонах, разделившим ее горе. И хотя в праздничном номере не принято давать материалы не в улисон теме, все же мы посчитали нужным дать слово автору.

«Уважаемые сотрудники газеты «Ватанпарвар»! Во-первых, хочу поздравить вас всех с праздниками 8 марта. Наврузом, пожелать счастья, здоровья, успехов. Как и многие из матерей, потерявших сыновей при защите нашей Родины — Узбекистана, хочу выразить свою материнскую любовь к защитникам Родины, охраняющим наш покой. А также поблагодарить командиров наших ребят, находящих время и возможность разделить материнскую боль: майора Шухрата Нормурадова, капитанов Уразали Норкулова и Адилбая Юсупова и многих других, принявших участие в моей нелегкой судьбе. Пусть сторицей вернется к вам душевное тепло, которым вы поделились!

А также я хочу пожелать боевым подругам офицеров и матерям солдат, ждущим с тревогой возвращения своих воинов, — пусть ждущие обязательно дождутся! Мать рожает и растит свое дитя в надежде на счастье, опору в старости. И не дай вам Бог моей участи...

С уважением ЩЕНЯЕВА Любовь Андреевна».

ЕСТЬ ТАКАЯ ЖЕНЩИНА

— Нет, все-таки своею судьбою я довольна. И даже счастлива! — Зоя Ивановна замолчала и долго сидела, глядя, как за окном весело играют солнечные лучи. И очень в этот момент она была непохожа на ту Зою Ивановну Жмулину, говорливую, живую, как ртуть, женщину, которая удивляет людей своей напористостью, неуемностью, неутомимостью, деловитостью.

Осень трудного 1941 года... Маленькая хрупкая девчонка, 14 лет от роду, с бантиком в косичках, вместе со своими сверстниками трудится не покладая рук на огромных полях. Она — участница трудового фронта. Работали тогда весь световой день, по 12 и более часов. Уставшие, полуголодные собирали семена, выкапывали корни каучука, в котором так нуждалась оборонная промышленность.

Было трудно. Зоя Ивановна до сих пор вспоминает те годы, когда она с подругами трудилась под девизом «Все — для фронта, все — для победы!». Помнит ноющую усталость в натруженных руках, порой слезы и упрямое — «выдержу!». Так начиналась биография, так начинался характер. И она выдержала.

— Была у меня мечта — стать после войны учителем или врачом, — рассказывает Зоя Ивановна. —Но она, к сожалению, так и осталась мечтой. Я, закончив заочные курсы бухгалтеров, стала работать счетоводом в колхозе. Вот по этой, бухгалтерской, линии и пошла в дальнейшем. И, впрочем, не жалею...

В 1952 году она оказалась в Ташкенте. Работала статистиком в плановом отделе Министерства социального обеспечения. Потом были другие места работы, пока не нашла то, к чему стремилась. В Чиланзарском (тогда) райвоенкомате она продолжила свою трудовую деятельность в должности помощника начальника пенсионного отдела, затем перевелась с повышением в Сабир-Рахимовский район, и далее...

Выйдя на пенсию, Зоя Ивановна продолжает работать и сейчас. Служащая Вооруженных Сил З. Жмулина трудится помощником начальника пенсионной группы отдела финансирования и социального обеспечения в УДО г. Ташкента. Большой у нее круг обязанностей. Это — разъяснение льгот пенсионерам, прием посетителей, выдача необходимых справок, выплата различных компенсаций, учет пенсионеров и так далее.

За годы работы в финансовых органах Зоя Ивановна зарекомендовала себя не только добросовестным и, я бы даже сказал, талантливым работником, но и отличным наставником. Трудно сказать, скольким людям она передала свои знания и опыт!

И общественная работа для З. Жмулиной — не нагрузка, а радость. В свое время она закончила вечерний университет, готовящий лекторов-международников. И постоянно выступала перед допризывной и призывной молодежью с лекциями и беседами по актуальным проблемам современности.

Зоя Ивановна всегда была человеком принципиальным, настойчивым, по-деловому взыскательным и в тоже время — чутким, добрым, отзывчивым.

Зоя Ивановна воспитала двух сыновей. Валерий — офицер — дослужился до звания полковника. Владимир после армии окончил пединститут и сейчас работает в школе преподавателем ДПЮ. Мать считает, что у них ее характер: «Увидишь в деле — позавидуешь. И к людям — с душевностью».

Тепло отзываются коллеги о Зое Ивановне. Много добрых слов высказала о ней председатель профкома Г. Дрожжина. А начальник отдела майор Б. Азимов был краток: «Я — ее ученик. Она — моя наставница. И я благодарен Зое Ивановне за науку, практическую помощь».

Недавно коллектив чествовал Зою Ивановну, которой исполнилось 75 лет. Было много подарков, поздравлений и... целое море цветов. И сегодня, в День 8 марта, будет сказано в ее адрес немало добрых слов и пожеланий, потому что в коллективе любят, ценят, уважают эту неутомимую труженицу.

Сергей БУДАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

Экономика. Наука. Техника

ЭХ, КАРНАВАЛ...

33 человека погибли в ходе различных инцидентов, произошедших за пять дней ежегодного панамского карнавала. Об этом сообщили представители местной полиции. В этом году число жертв возросло на шесть человек по сравнению с прошлым годом. 14 человек из всех погибших стали жертвами дорожно-транспортных происшествий, произошедших в дни гуляний.

2—3 БАЛЛА

В Восточно-Казахстанской области в минувший четверг произошло землетрясение силой 2—3 балла по шкале Рихтера. Жертв и разрушений нет. Об этом сообщили в государственном агентстве по чрезвычайным ситуациям Казахстана в пятницу.

ВОДОРОДНАЯ АЗС

Норвежская компания отправила в исландскую столицу оборудование для первой коммерческой водородной автозаправочной станции. Открыть станцию в Рейкьявике планируется 24 апреля. В отличие от существующих экспериментальных установок для заправки автотранспорта водородом, станция в Рейкьявике станет доступной для любого, кому потребуется заправка автомобиля водородом. Стимость водородной заправочной станции составляет около 7 млн. долларов. В рамках программы Евросоюза «Чистый городской транспорт» в ближайшие годы планируется соорудить подобные станции в девяти европейских городах: Амстердаме, Барселоне, Гамбурге, Лондоне, Люксембурге, Мадриде, Порту, Стокгольме, Штутгарте.

НОВЫЕ СПУТНИКИ...

Американские астрономы обнаружили восемь новых спутников Юпитера. Как сообщили Скотт Шеппард и Дэвид Джуитт (Институт астрономии Гавайского университета) и Джей Клейна (Кеймбриджский университет, США), с помощью двух телескопов, установленных на вершине вулкана Мауна-Кеа на Гавайских островах, — японского телескопа «Плеяды» диаметров 8.3 метра и канадско-французско-гавайского телескопа диаметром 3.6 метра — им удалось обнаружить восемь новых лун крупнейшей планеты Солнечной системы. После того как открытие было подтверждено наблюдениями на 2,2-метровом телескопе Гавайского университета, а специалист Международного центра по малым планетам Брайан Марсден рассчитал их орбиты, а Международный астрономический союз (МАС) официально сообщил об открытии сначала семи, а потом и восьмого спутника Юпитера. Таким образом, число известных спутников Юпитера составляет 48 штук. Тем не менее очевидно, что число еще меньших тел, обращающихся вокруг планеты, гораздо больше — гравитационное притяжение Юпитера ограничивает размеры его спутников сверху, но никак не снизу.

(По страницам Интернета).

ОФИЦЕР ОИЛАСИНИНГ ОҚИЛА БЕКАСИ

Миригул — Нукус қизи. Мен у билан Шарқий ҳарбий округда ҳарбий оилалар билан танишув чоғида суҳбатлашган эдим. Даврадаги аёллар ичида фикрининг теранлиги, ҳаётий қарашлари, оилавий муносабатларга боғлиқ суҳбати билан ажралиб турганди, ўшанда. Жуссасининг ихчамлиги боисми, ҳар қалай мен уни оила қурганига уч-тўрт йил бўлган келинчак, деб ўйлагандим. Давра суҳбати давомида билдимки, уч фарзанднинг онаси бўлган Миригул ўн беш йиллик рўзғорнинг бекаси экан.

Миригул билан турмуш ўртоғи Марат бирга улғайишган, яъни ўрта мактабда ўн йил бир синфда таълим олишган. Усмирлик чоғларданоқ ақлли, аълочи, зукко бўлган Миригулга нисбатан Маратда ўзгача меҳр уйғонди. Бу эътибор қизни ҳам бефарқ қолдирмади, албатта. Йиллар ўтиб муҳаббатга айланган бу туйғу икки ёшнинг келажак йўлларини бирлаштирди. Ўрта мактабни тугатиб, олий таълим даргоҳида билим олишни истаган синфдошлар Нукусдан Самарканд шаҳрига йўл олишди. Миригул медицина, Марат эса архитектура институтига ҳужжат топширди. Омадни қарангки, талабалик бахти иккала ёшга ҳам насиб этди. «Олтин давр»нинг учинчи йилига келиб улар ширингина оила қуришди. Йиллар ўтиб, юқумли касалликлар шифокори мутахассислигига эга бўлган қаҳрамонимиз Нукус шаҳридаги шифохоналардан бирида иш бошлади. Турмуш ўртоғи Марат эса ҳарбийлик йўлини танлади.

— Унинг бу қарорини мен чин дилдан қўллаб-қувватладим. Чунки ҳарбийлик касби менга ҳам ёқарди. Бироқ, ҳаётимизда оилар, ҳатто йилларга чўзилган айрилиқ онлари бошланганди, — дейди Миригул ўша вақтларни эслаб. — Марат ҳарбийлик либосини кийгач, дастлаб кичик офицерлар тайёрлаш курсига ўқишга кетди. Мен эса эгизак фарзандларим — Айгул ва Аҳмад билан Нукусда қолдим. Кейинчалик уни Фарғона гарнизонидаги ҳарбий қисмга хизматга юборишди. Ҳаётнинг бу синовларида иккимиз ҳам тобландик, салоқат ва ишонч билан бир-биримизга интилиб яшадик. Кейинчалик «Эр қаерда бўлса, аёли ҳам ўша ерда бўлиши керак», деган нақлга амал қилишга қарор қилдим. Фарзандларим билан Фарғона гарнизонига келдим ва шундан бери мудом бирга яшаяпмиз. Болаларимиз уч нафарга етди. Кенжа қизимиз Сарбиноз оиланинг эркатойи. Мен шаҳардаги болалар шифохонасида ишлаяпман, фарзандларим ўқияпти. Бироқ бу ерда ҳам қачонгача истиқомат қилишимиз номаълум. Чунки дадамизни қаерга хизматга юборишса, биз ҳам ўша ерда бўламиз. Ҳозирда ҳам турмуш ўртоғим полигонда бўлган вақтларида унинг йўлига интизор-ла кўз тикамиз. Ҳарбийнинг оиласи бўлиш осон эмас, балки шарафли. Келажагимиз бундан-да порлоқ бўлишига ишонаман.

Миригул суҳбат давомида Нукусга — туғилиб ўсган гўшасига бормаганига ҳам анча фурсат бўлганлигини айтиб ўтди. Опаси — ўн бир фарзандни тарбиялаб, вояга етказган Сапурахон аянинг суюкли қизи йўлига кўз тикиб турганлиги шубҳасиз. Сапурахон ая 7 апрель куни муборак 63 ёшни қаршилар эканлар. Миригулнинг илтимосига кўра, биз у кишини келаётган ушбу қутлуғ сана билан бирга аёллар ва баҳор байрамлари билан ҳам чин дилдан қутлаймиз.

Биз ҳарбий қисм батареяси командири кичик лейтенант Марат Ибрагимовнинг турмуш ўртоғи Миригул Бекбердиева ҳамда унинг оиласи тўғрисида қисқача ҳикоя қилдик. Мақсадимиз ҳарбийларимиз билан бир сафда юрт тинчлигига ҳисса қўшиб, осойишталигимиз посбонларига ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб яшаб келаётган уларнинг аёллари, оиласи билан сизларни яқиндан таништириш эди. Миригулдек оқила, сабрли, эҳтиёткор аёлларимиз бор экан, оиласидан кўнгли тўқ ҳарбийларимиз хизмати албатта омадлидир.

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

СЕМЬ ЛЕТ В ПОГОНАХ

Кто непосредственно заботится о здоровье солдата в повседневной жизни? Кто дежурит на войсковых учениях, полевых занятиях и стрельбах непосредственно у огневого рубежа в полной готовности в любую минуту прийти на помощь? Конечно, средний медицинский персонал, санинструкторы батальонов, несущие свою неусыпную службу в ясный день и в ненастье.

Семь лет носит на своих хрупких плечах погоны младший сержант по контракту Гульноз Алламурадова. В подразделении ее уважают за профессионализм, умение стойко переносить трудности военной службы, всегда быть готовой прийти на помощь военнослужащему.

И хотя в батальоне, во многом благодаря большой профилактической работе, проводимой в том числе и медиками, давно не знают о травмах, солдату намного спокойнее на занятии, когда рядом дежурит с сумкой с красным крестом младший сержант Гульноз Алламурадова.

В. НИКОЛАЕВ,

Фото **Александра МРУЧАКА.**

ЮНЫЕ ХУДОЖНИЦЫ

В Центральном выставочном зале Академии художеств Узбекистана организована выставка, посвященная празднику женщин — 8 марта. На ней широко представлены произведения художниц нашей страны.

На сегодняшний день наряду с работами мастеров живописи на престижных смотрах-конкурсах, выставках, которые проходят во многих странах мира, успешно участвуют также и молодые художницы, в частности, Ф. Рамбарова, Ш. Абдуллаева, Л. Содикова.

В рамках мероприятия также были организованы персональные выставки Шахнозы Муминовой и Владимира Бурмакина, посвященные празднику.

Назокат УСМОНОВА, корр. УзА.

ГИЁҲВАНДЛИК—УМР КУШАНДАСИ

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш қўмитасининг 2002 йилги ҳисобот тақдимоти бўлиб ўтди. Унда БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Ричард Конрой, Гиёҳванд воситаларни назорат қилиш ва жиноятчиликдан огоҳлантириш бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Антонелла Деледдалар қатнашди.

Келинг, қўмита берган ҳисоботлар асосида якунланган йилимизга бир сидра назар ташлайлик. Африкада, хусусан, Марокашда ноқонуний каннабис етиштириш авж олган. Европа ва Шимолий Америкада каннабисдан нотиббий мақсадларда ҳам фойдаланиш тенденцияси шаклланаётганидан Африкадаги ҳуқуқ-тартибот органлари ҳавотирга тушишаётир. Ахир, бир томонда енг шимариб бу оғутга қарши курашилсаю, бошқа томонда унинг истеъмоли хатто қонуний асосга ўтиб борса, Нигерия ва Жанубий Африкада кокаин истеъмоли ошаяпти. Миср да ва Африканинг барча шарқий, жанубий мамлакатларида героин истеъмоли юқори. Олинган маълумотларга қараганда, Африка мамлакатларида кўкнори деярли етиштирилмас экан. Аммо бу ҳавотирланишимизга асос йўқ, дегани эмас-да. Гап шундаки, бу минтақада сунъий гиёҳванд моддалар тайёрловчи махфий лабораториялар пайдо бўлмоқда. Масалан, 2002 йилнинг июлида Жанубий Африкада ана ўшандай лаборатория 100 тонна кимёвий воситаси билан қўлга олинди. Маълум бўлишича, бу миқдордаги кимёвий воситалар билан 90 миллион таблетка метаквалон тайёрлаш мумкин экан.

Хўш, бу борада Америка минтақасида аҳвол қандай? Гарчи Марказий Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси минтақаси каннабис ва кокаин етиштириш билан «машҳур» бўлса-да, кейинги пайтларда героин истеъмоли ортаётир. АҚШда 11 сентябрда содир этилган террорчилик ҳаракатидан сўнг аэропорт ва чегара пунктларида назорат жуда кучайтирилди. Канада ва АҚШ аэропортларида қўлга олинаётган гиёҳванд моддаларнинг камайганлиги ана шу омил билан изоҳлаш мумкин. Гарчи каннабис, героин, кокаин истеъмоли бўйича Канада ва АҚШга тенглаша олмаётган бўлса-да, Мексикада ҳам фақат «ўсиш» бор. Ҳозирча гиёҳвандликка қарши АҚШнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ўтказилган «Колумбия» режаси энг йирик тадбирлардан бири бўлиб турибди. Унинг натижасида Колумбияда гиёҳванд моддалар тайёрловчи 1500 махфий лаборатория ва 55 та махфий учиш-қўниш майдончаси йўқ қилинди.

Осиё минтақасидаги Мянмар мамлакати опий етиштириш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Айнан 2002 йилда ўтказилган жадал саъй-ҳаракатлар туфайли гиёҳванд моддалар етиштириш бу ҳудудда 2001 йилга нисбатан 7 фоизга камайган. Дунё бўйича қўлга олинаётган амфетаминнинг 70 фоизидан зиёдроғи шарқий ва жанубий-шарқий Осиёга, хусусан Хитой ва Таиландга тўғри келмоқда. Сўнгги беш йил ичида Хитойда қўлга олинган героин мамлакатнинг бу оғу транзитидаги асосий пунктлардан бирига айланаётганини кўрсатади. Афғон қочоқлари тўла-тўкис уйларига қайтгач, гиёҳванд моддалар етиштириш ҳажми ошиши эҳтимолини кўзда тутган халқаро қўмита бу борада маҳаллий ҳукуматни қонунчилик ҳужжатлари қабул қилишга ундамоқда.

Юқорида каннабисни истеъмол қилишни қонунийлаштириш борасидаги уринишларга шаъма қилдик. Буни мисоллар ёрдамида кўриб ўтиш мумкин. Масалан, АҚШнинг айрим штатларида каннабис етиштириш, уни истеъмол қилишни тақиқловчи қонунларни бир оз юмшатиш бўйича аҳоли овоз берган. Бу хусусда қўмита раиси Филип Эмафо ўз мурожаатномасида шундай дейди: «Бу гиёҳванд модда истеъмоли бош мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Хатто мазкур оғу ёшларда юрак хуружи, саратон хасталикларига ҳам сабаб бўлиши мумкин». Бунга қўшимча тарзда бир маълумотни айтиш мумкин. Каннабисдан тайёрланган уч дона сигарет 20 дона тамаки сигаретиникича организмни заҳарлаш қувватига эга экан. 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, 179 мамлакат каннабис билан боғлиқ низомни ўзида мужассамлаштирган 1961 йилги Конвенция талабларини бажаришга шай,

2002 йил июнда ва октябрда Тошкентда гиёҳвандликка қарши кураш бўйича халқаро анжуманлар бўлди. Ўтган йил мартида Ўзбекистон ҳукумати гиёҳванд ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айланмасига қарши 2002—2005 йилларга мўлжалланган тўғри қабул қилди. Мамлакатимиз ҳуқуқтартибот органлари ҳамкорликда ўтказиб келаётган «Қорадори» операцияси ҳам муайян самара бермоқда. Аммо, афсуски, ялпининг бошини батамом янчишга муваффақ бўлингани йўқ. Буни мисоллар кўрсатиб турибди. 2002 йилда мамлакатимизда 1,0 гектар ерга гиёҳванд моддалар экилгани аниқланиб, у пайҳон қилинди. Ортда қолган йилда 800 килограммдан зиёд гиёҳванд модда қўлга олинган бўлса, унинг 35 фоизи героиндир. Маълумотларнинг таҳлили гиёҳванд моддалар кўпроқ Тожикистон орқали ўтаётганини кўрсатаяпти. Бу жиноят билан 2002 йилда 197 нафар хорижий фуқароси қўлга олингани, унинг 100 нафари Тожикистон фуқароси эканлиги ҳам фикримизни исботлайди. Яна бир маълумот қишлоқ ўйга тўлдиради. Жорий йил 1 январигача бўлган статистика Ўзбекистонда 18 мингдан зиёд гиёҳванд расман рўйхатга олинганини кўрсатади. Бу 2001 йилга нисбатан 5 фоиз кўп, дегани.

Бу рақамлар, маълумотлари кузатиб, ўйга толасан: қачон инсоният бу оғу исканжасидан халос бўларкин? Қачонки, нафс бошқариб турган иллатларни жиловлай олсак, дегим келади.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» муҳбири.

● УЛАР ҲАҚИДА КАМ ЁЗИЛАДИ

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

Яхши биламиз, хоҳлайимизми-йўқми, магазинчи, яъни дўкончи сўзини эшитганда халқ, инсонлар ҳақига хиёнат қиладиган кишилар кўз олдимизда гавдаланади. Бироқ у жуда ҳам тўғри тушунча эмас. Чунки бу соҳа ходимлари орасида ҳам соф виждонли, ўз касбига меҳр қўйиб, уни дилдан эъзозлайдиган инсонлар кўп. Ана шундай кишилардан бири Гулнора Сейитмуродовадир. Гулнора бу касбга ёшликдан меҳр қўйди. Бунинг сабаби эса отаси Аллабай ака ва ойиси Ширин опаларнинг ушбу соҳа ходимлари эканлигидадир.

Энди алоҳида тўхталадиган бўлсак, Аллабай ака Нукус гарнизони ҳарбий шаҳарчасида жойлашган ҳам озиқ-овқат, ҳам енгил саноат моллари магазинининг, аниқроғи савдо марказининг директори. Ойиси эса мазкур савдо шохобчасининг сотувчиси. Ана шундай муҳитда камол топган Гулнора ўрта мактабни тугатгач, Кооператив техникумига ҳужжат топширди ва уни муваффақиятли тамомлаб, ота-онаси билан ҳамкорликда яъни улар қўл остида меҳнат фаолиятини бошлади.

Ушбу шаҳарчадаги дўконга кирар экансиз, кўзингиз аввалambor истараси иссиқ, ширинсуҳан, ёқимтой қизга тушади. У асло сизнинг кўнглингизга маъқул келмайдиган сўз айтмайди. Мудом яхши кайфият билан қарши олиб, магазинда бор нарсани эътиборингизга ҳавола этади. Магазинда эса рўзғор учун зарур бўлган барча нарсалар — ёг, шакар, ун, нон ва ун маҳсулотлари, ярим фабрикатлар, ҳарбийлар учун зарур бўлган барча жиҳозу нарсалар ҳамиша муҳайё. Энг асосийси, каттагина шаҳарчада истиқомат қиладиган барча-барчанинг айнан мана шу ерда эҳтиёжлари қаноатлантирилаяпти. Бугунги кунимизда сал бўлса-да таниқис саналадиган ёг, шакар, ун, совун ва шунга ўхшаш моллар бу ерда бозордагидан сезиларли даражада арзон нархда савдога чиқарилаяпти.

— Гулнора Сейитмуродовадек ходимларимиздан биз ҳамиша мамнунмиз. Негаки, улар ниматидан шу пайтгача биронта мижозлардан шикоят ёки норозилик тушганини эслай олмайман. Буниинг боиси, мана шу инсонлар ўз касбини сидқидилдан эъзозлашади, ўз юмига ва касб-корига доғ туширмасликка ҳамиша ҳаракат қилишади. Юқори ташкилотлардан келган текширувчилар ҳам ҳарбийларимиз мазкур дўконимиз ходимлари фаолиятидан мамнун эканлигини билиб кетишади. Бу биз учун ҳам катта «плюс» ҳисобланади, — дейди Нукус гарнизони ҳарбий савдо хизмати бошлиғи Илҳомдин Ким.

Бугун 8 март — оналаримиз, аёл-қизларимиз байрами. Шу муносабат билан Гулнорага ва унинг ойисига ҳам, барча-барча хотин-қизларимизга ҳам, аввалambor, мустаҳкам соғ-саломатлик, оилавий бахт-саодат барча ишларда улкан муваффақият тилаймиз. Илоҳим, осмонимиз ҳар доим мусаффо бўлсин. Дилдаги эзгу мақсадларимиз ижобатини Яратганимиз берсин.

Подполковник Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,
Суратда: **сотувчи Гулнора Сейитмуродова.**
Муаллиф олган сурат.

● МАШҲУР СПОРТЧИ АЁЛЛАРИМИЗ

Бангкок учун Пусанда реванш олди

Оксана Чусовитина 1975 йил 19 июнда Бухоро шаҳрида туғилган. Ҳозирга қадар бир қатор нуфузли турнирларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган Оксана 2002 йил Пусандаги муваффақиятлари туфайли дунёнинг энг яхши гимнастикачиси, дея эътироф этилди. Унинг айнан ушбу ғалабаси туфайли мураббийи Светлана Кузнецова ҳам йилнинг энг зўр мураббийи сифатида жаҳонда тан олинди. Айни пайтда Чусовитина жаҳон кучли гимнастикачилар рейтингининг тўртинчи поғонасини банд қилиб турибди.

— Оксана аввалambor, сизни 8 март — Хотин-қизлар куни байрами билан «Ватанпарвар» газетаси мухлислари номидан табриклаймиз.

— Раҳмат.

— Айтингчи, спортнинг бу нафис турига сизда ким қизиқиш уйғотган?

— Акам Дмитрий бир вақтлар спортнинг гимнастика тури билан шуғулланарди. Ўша пайтда кичкина бўлганим учун акам мени уйда ёлғиз қолдирмай ўзи билан бирга олиб кетарди. Мен эса акамнинг машқ бажаришини завқланиб томоша қилиб турардим. Бир куни мураббий Светлана Кузнецова менга шунчаки машқ бажартириб, синовдан ўтказди. Билмадим, яхши ҳаракат қилган бўлсам керак, у киши мен билан ўша вақтдан эътиборан — 7 ёшимдан жиддий шуғуллана бошлади.

— Халқаро турнирлардаги илк ғалабангиз ҳақида тўхталсангиз?

— 1990 йилда энг катта мусобақалардан бири Сиэтл (АҚШ)да ташкиллаштирилган «Яхши ният» ўйинларида иштирок этиб, гимнастиканинг «Таянчли сакраш» тури бўйича фаолиятимдаги биринчи олтин медални қўлга киритгандим. У пайтда биз собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида ҳаракат қилардик. Бу турнирда жамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринни эгаллаб, Ватанимга қайтган эдим.

— Бизга маълумки, турмуш ўртоғингиз ҳам спортчи. Сир бўлмаса, у киши билан қандай танишгансиз?

— Биз бир-биримизни авалдан билардик. Чунки, 1994 йил Хиросимадаги Осиё ўйинлари ва Атлантадаги Олимпия ўйинларига (1996 йил) бирга боргандик. Атлантадан қайтгандан кейин биз тез-тез учрашиб турдик ва 1997 йилда тўйимиз бўлиб ўтди.

— Спортчининг асосий вақти машғулотда ўтади. Сиз оила бекаси, қолаверса, она сифатида фарзанд тарбиясига қандай вақт ажратасиз?

— 1999 йил ўғлим Алишер туғилгандан кейин яна спортга қайтишга қарор қилдим. Шундан сўнг турмуш ўртоғим Баҳодир ҳеч иккиланмасдан фарзандимизнинг тарбияси билан шуғулланиши учун Самарқанддан тоғасининг қизи Зебинисони олиб келди. У ўғлимиз Алишерга қараб туради. Лекин мен бўш вақтимда уйда бўлиб, Баҳодирнинг ёқтирган таомларини пиширишга ва ўғлим билан бирга ўйнашга, сайр қилишга ҳаракат қиламан. Бола доимо ўз ота-онасининг қаердалигини ҳис қилиб туради. Албатта, бизга Зебо фарзандимиз тарбиясида жуда катта ёрдам бераяпти. Ҳатто у Алишернинг иккинчи онасига айланди, дейиш мумкин.

— 8 март байрамини биронта турнир сафарида ўтказган вақтлар ҳам бўлганми?

— Бундай воқеалар доимо бўлиб туради. Ҳатто туғилган кунимни оилам даврасида нишонлай олмаган вақтларим ҳам кўп бўлган. Бундай вазиятда турмуш ўртоғим билан телефон орқали боғланиб, бир-биримизни табриклаб қўямиз. Мана ҳозир ҳам 8 март куни Тошкентда бўлмасам керак. Жаҳон кубогининг саралаш босқичида иштирок этиш учун Францияга кетаман. Доимо турнир пайтида байрамни унутаман. Баҳслар тугагандан кейингина байрам ёдимга тушади. Шунда дугоналар ва мураббийларни табриклашга имкон бўлади.

— Пусанда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида 2 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга киритиб, кўпчилик журналистлар диққатини ўзингизга қаратдингиз. Турнирда иштирок этишдан аввал ўзингиздан ушбу натижани кутганмидингиз?

— Албатта, бу тасодиф эмас. Осиё ўйинларига жуда яхши тайёргарлик кўрган эдим. Чунки 1998 йилда Бангкокда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида олган жиддий жароҳатим туфайли керакли натижаларга эриша олмагандим. Жароҳатдан кейин бир йил машқ қила олмадим. Сўнгра фарзандли бўлдим. Узоқ танаффусдан кейин мана, керакли натижаларга эриша олишим мумкинлигини бутун дунёга кўрсата олдим.

— Ватан ҳимоячилари сафида ҳам аёллар бор, уларга байрам тилакларингиз?

— Аввало Ўзбекистоннинг барча аёлларига доимо гўзал ва меҳрибон бўлишларини тилайман. Ватан ҳимоясидаги матонатли ҳарбий аёлларимизга эса эзгу ва машаққатли хизматларида омад ёр бўлишини истаб қоламан.

«Ватанпарвар» мухбири Комилжон ХАСАНОВ суҳбатлашди.

● ХАЛҚАРО САНА

146 йиллик тарих

8 мартнинг халқаро доирада нишонланиш тарихи билан ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? Ҳатто бу ҳақда баъзи бировлардан сўраганимда, уни шўролар мафкураси билан боғлашга ҳаракат қилди. Келинг, яхшиси гапни байрамга асос солган тарихдан бошлайлик.

Аслида бу кунни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти белгилаган. Бунга асос қилиб 1857 йилнинг 8 мартида Нью-Йоркдаги тўқимачилик саноатида ишлаётган аёлларнинг намойиши олинган. Яъни, мазкур намойишда аёллар иш шароитларининг ёмонлиги, маош камлигидан шикоят қилишган. Ҳақ-ҳуқуқларининг камситилишига қарши исён кўтаришган. Орадан роппа-роса икки йил ўтиб, ўша аёллар дунё тарихида биринчи бор касаба уюшмаларига асос солишади. Ана шу воқелик, аниқроғи, 146 йиллик тарих бу халқаро сананинг юзага келишида муҳим роль ўйнаган экан.

БМТ эса 1975 йилдан эътиборан бу кунни Халқаро хотин-қизлар куни сифатида нишонлаб келади. Тарихга назар ташласак, ўша йил халқаро хотин-қизлар йили, деб эълон қилинганди. 1977 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 32/142 резолюцияси билан давлатларга уларнинг тарихий, миллий анъаналари, қадриятларидан келиб чиқиб, йилнинг ҳар қандай бир кунини хотин-қизлар ҳуқуқлари учун халқаро кураш ва халқаро тинчлик куни сифатида нишонлашни тавсия этди. Айрим мамлакатларда 8 март ана шундай сана сифатида қарши олиниши шундан.

2000 йилда БМТ Хавфсизлик кенгаши 1325-сонли резолюцияни қабул қилди. Бу ҳужжат халқаро ташкилот томонидан кейинги йилларда аёллар ҳуқуқларини таъмин этишга қаратилган муҳим ишлардан биридир. Таъкидлаш жоизки, мазкур резолюция асосан аёлларнинг тинчлиги, хавфсизлиги масалалари билан боғлиқ. Масалан, у аёлларни қуролли тўқнашувлар оқибатларидан ҳимоя қилишнинг йўналишларини белгилаб берган. Шунингдек, резолюция аёлларнинг мамлакат тинчлиги ва тикланиш жараёнидаги ролини оширишни тақозо этади. Аслида бу ҳужжат Афғонистон ва шу сингари қуролли тўқнашувлар содир этилаётган мамлакатлардаги вазият таҳлилидан келиб чиққан.

БМТ тараққиёт дастури тинчлик йўлида муштарак мақсад билан ҳаракат қилаётган аёллар фаолиятини қўллаб-қувватламоқда. Масалан, Сьерра-Леонедаги қуролли тўқнашувлар тинч йўл билан ҳал этилиши учун мамлакатдаги кўплаб аёллар иш ташлаш қилишди. Филиппин, Руанда, Сомали, Суданда этник масаладаги муаммоларни ҳал этиш учун бел боғлашган. Ҳатто аёллари ўз анъаналари ва маданиятини сақлаб қолиш учун фаол тарғиботчиларга айланишган. Албанияда аёллар тараққиёт дастурининг «Қуролни тараққиётга алмаштир» номли лойиҳасида фаол қатнашиб, минглаб қурол-аслаҳалар, тонналаб ўқ-дориларнинг йиғиштириб олинишига замин яратишди. БМТ Тараққиёт дастури Ботсвана, Кения, Руанда, Свазиленд, Танзания, Уганда каби мамлакатларда аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги чекланишларини бартараф этишга ёрдамлашмоқда.

БМТ бош котиби Кофи Аннаннинг 8 март муносабати билан йўллаган мурожаатномасида шундай сўзлар бор: «Хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя қилиш нафақат аёлларнинг, балки барчамизнинг мажбуриятимизга айланиши даркор».

Мамлакатимизда, жамиятимизда аёлларга эътибор устувор бир йўналиш бўлиб келаётгани маълум. Бу хусусда узундан-узоқ тўхталиш мумкин. Ахир, бизнинг азалий қадриятларимиз замирида ҳам аёллар улуғланиб келинган. Излариданибо, ҳаё, латофат эргашиб юрган аёлларимизни эъзозламасдан бўларканми?

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Даромад топишга жуда ҳам берилиб кетманг. Кайфиятингиз ўртача бўлади. Уй ва кўчмас мулк билан боғлиқ ишларда келишмовчилик бўлиши мумкин. Хизмат бурчингизни ўташда ҳамма ишлар жойида бўлади. Командирлар сизнинг ташаббускорлигингизни маъқуллайди. Сешанба — сиз учун омадли кун.

БУЗОҚ. Оилада бир оз келишмовчилик бўлиши мумкин. Аммо хизматингиз муваффақиятли давом этади, раҳбарлар билан муносабатлар яхши бўлади. Дўстларга кўп ҳам ишонаверманг. Ёлғон гапириш, алдаш яхшиликка олиб бормайди. Душанба, жума ва шанбада омад сизга ёр бўлади.

ЭГИЗАКЛАР. Хизмат бурчингизни бажаришда ва севги бобида ишларингиз аъло даражада. Оиладаги муносабатлар ҳам бир маромда. Ҳамкорлар билан тушунмовчиликлар бўлиши, сизни алдашга ҳаракат қилишлари мумкин. Раҳбарлар билан муносабатларингиз яхши, ҳатто дўстона бўлади. Чоршанба сиз учун омад келтиради.

ҚИСҚИЧБАҚА. Муҳим қарорларга келишдан ва дўстларга ҳаддан ташқари ишонишдан ўзингизни тийинг — улар кўнгилсизлик келтириши мумкин. Молиявий томондан ҳаммаси жойида бўлади. Хизмат билан боғлиқ сафарлар ва музокаралар муваффақият келтиради. Ўзингизда юқори куч-қувват сезасиз. Сешанба, чоршанба ва шанба — сиз учун омадли кунлар.

АРСЛОН. Соғлиғингизга кўпроқ эътибор беринг. Хизматда ҳаммаси жойида бўлади, сафарлар, музокаралар ва ҳужжатлар билан боғлиқ ишлар яхши ўтади. Четдан қандайдир маблағ тушиши ҳам мумкин. Масалан, кредит ёки берган қарзингиз қайтиши. Командирлар билан муносабат аъло даражада бўлади. Душанба ва жумада (айниқса) омадингиз келади.

ПАРИЗОД. Кайфиятингиз бир оз тушган. Сабаби — соғлиғингиз ёмонлашгани ва оилавий келишмовчиликлар. Аммо тушкунликка тушманг, хизмат бурчингизни бажаришда ишлар енгил кўчади, яхшигина маблағ ҳам тушади. Хизматдошлар билан муносабатлар жуда яхши. Уйда ҳам ишлар жойида. Жума (айниқса) ва шанбада омад сизга ёр бўлади.

ТАРОЗУ. Хизматда шошилиш ва иккиланиш тўғри келмайди. Соғлиғингиз жойида бўлади. Хизматдошлар ва қўл остингиздагилар билан муносабатлар аъло даражада. Улардан кимдир сизга яхши таклиф билан мурожаат қилади. Жуфти ҳалолингиз билан бир оз келишмовчиликлар бўлиши мумкин. Хизматда дўстлар ёрдамига таянишингиз мумкин. Сешанбада омадингиз келади.

ЧАЁН. Яхшигина маблағ келади. Хизматингиз борасидаги музокара ва сафарлар, ҳужжатларни расмийлаштириш муваффақиятли бўлади. Уйда бир оз келишмовчилик бўлиши эҳтимол. Касбий маҳорати борасида изланиб, сафдошлар ҳурматига сазовор бўлаётган ҳарбийларни муваффақиятлар кутмоқда. Бу борада чоршанба ва шанба кунлари айниқса омадли.

ЎҚОТАР. Кайфиятингиз аъло даражада. Дўстингиз тўғри қарорга келишингизда ёрдам беради. Оиладаги муносабатлар яхши боради. Қўшимча даромад тушиши мумкин. Командирлар билан кўпроқ мулоқотда бўлинг. Бу — хизматда муваффақиятларга эришиш гарови. Жума — сиз учун омадли кун.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Муҳим қарорлар қабул қилиш мумкин, аммо, яхшиси ҳаммаси ўзи ҳал бўлгани янада яхшироқ. Маблағ борасида ишларингиз жойида. Яхши хизмат қилаётганингиз сабабли командирлар билан муносабатларингиз яхши бўлади. Ҳатто мукофот олишингиз ёки лавозим борасида кўтарилишингиз мумкин. Чоршанба ва шанба кунлари сизнинг омадингиз келади.

ҚОВҒА. Даромад борасида яхши ўзгаришлар бўлади. Хизмат бўйича сафарлар ва музокаралар муваффақиятли бўлади. Куч-қувватингиз ортади. Фидойи, интилувчан, тиришқоқ ҳарбийларни муваффақиятлар кутмоқда. Сешанба, жума ва шанбада омад сизга ёр бўлади.

БАЛИҚ. Хизматдошлар билан муносабатлар яхши. Яхшигина даромад келади. Соғлиғингиз аъло даражада. Хизматдошлар ва қўл остингиздагилар сизга доимо ёрдамга шай. Хизматда лавозим борасида муҳим ўзгаришлар бўлади. Мукофот олишингиз, мавқеингиз ошиши мумкин. Сешанба, чоршанба, жума ва якшанба — сиз учун омадли кунлар.

САБРДАН ЯРАЛГАН АЁЛЛАР

Тўпчилар қисмида бўлганимизда қисм хотин-қизлар кенгашининг иш фаолияти билан қизиқдим. Кенгаш раиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Кароматхон Жайнакованинг бу вазифага сайланганига эндигина икки ҳафта бўлган экан. Мақсадим ҳарбий оилаларга яратилган шароит билан яқиндан танишиш бўлганлиги учун Кароматхон иккимиз хонадонларга йўл олдик. Йўл-йўлакай суҳбат давомида билдимки, ҳамроҳим ҳозирча ҳарбийларнинг оилалари билан тўлиқ танишиб улгурмаган. Ҳарбий хизматчилар учун ажратилган беш қаватли уйнинг зиналаридан кўтарилар эканмиз, дастлаб ташриф буюрган хонадонимиз бекаси Зарифахон Хўжақулова бизни очиқ чеҳра ила, бироқ бир оз ҳайрат билан кутиб олди. Кароматхон мени таништирар экан, уй бекаси бизни мамнунлик билан хонтахта атрофига таклиф этиб ўзи ташқарига йўналди. Уй ичига эътибор бераман, хоналарнинг совуқлигини яъни иситиш батареяларининг ишламаётганлигини ҳисобга олмаганда хонадонда яшаш учун барча шароит етарли. Хоналар ораста, ўзига хос жиҳозланган.

— Зарифахоннинг турмуш ўртоғи лейтенант Эркинжон Ҳакимов ҳарбий қисмимизда гуруҳ командири, — дея изоҳ бериб ўтди Кароматхон.

Шу орада бирин-кетин фарзандларини етаклаб, кўтариб олган аёллар салом бериб кириб кела бошлашди. Тўғрироғи мен буни кутмагандим. Чунки ниятим ҳар бир хонадондаги шароит билан танишиб, ҳарбийларнинг аёллари билан алоҳида суҳбатлашиш эди. Зарифахоннинг аёлларга хос бўлган эпчиллиги туфайли бизнинг ташрифимиз қўшни хонадонларга етганлиги сабаб, бир зумда аёллар давраси ҳосил бўлди. Барчаларини очиқ чеҳра, яхши кайфиятда кўриб оилавий ҳаётларидан мамнун эканлигини ҳис қилдим. Бироқ фарзандлари ва ўзларини қалин кийиниб олганлигидан сездимки, барча хонадонларда иситиш ҳолати бирдек. Суҳбат давомида улар билан бирин-кетин таниша бошладим:

— Шерова Элмира, подполковник Рашид Шеровнинг турмуш ўртоғи бўламан. Оила қурганимизга саккиз йил бўлаяпти. Иккита қизчамиз бор.

— Исмим Миригул. Турмуш ўртоғим кичик лейтенант Марат Ибрагимов. Мана ўн беш йилдан буён Марат акани қаерга хизматга юборишса ўша ерда биргаман. Учта фарзандимиз бор.

— Мен Гулноза Жўраева. Катта лейтенант Баҳодир Жўраев билан оила қурганимизга ўн икки йилдан ошди. Учта фарзандимиз бор. Ҳаётим ва тақдиримдан миннатдорман.

— Мен катта лейтенант Хайрулла Азизовнинг умр йўлдошиман. Исмим Шоира. Саккиз йил давомида ҳарбийча яшашга кўникиб кетдим. Иккита фарзандимиз бор.

Танишув давомида билдимки, барчаларини ҳарбий ҳаёт бирлаштирган бу оқила аёллар республикамизнинг турли ҳудудларидан. Зарифахон Сурхоннинг Музработидан бўлса, Элмира Самарқанд шаҳридан. Миригул Нукус қизи. Гулноза ва Шоирахон эса Андижон вилояти туманларида таваллуд топишган. Барчалари маълум касб-корга эга: врач, ҳамшира, технолог, алоқа институтини тугатган мутахассис. Бир сўз билан айтганда зиёли аёллар. Аммо улар учун турмуш ўртоқларининг ҳарбий соҳадаги вазифаси ўзларининг касбидан-да зиёда. Шунинг учун умр йўлдошлари юртимизнинг қай бурчида хизматда бўлишмасин улар ҳам ўша ерда. Ёрларини иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш, фарзандларини ота меҳри билан ўстириш, оила аталмиш муқаддас даргоҳни асраш билан бирга унга муносиб бека бўлиш улар учун олий бурч.

— Кези келганда турмуш ўртоқларимиз ойлаб хизмат сафарида бўлишади. Шунда рўзғорни, фарзандларни эплаш ўзимизга қолади, албатта.— дейди менинг «ҳарбийнинг аёли бўлиш осонми?», деган саволимга Шоирахон жавоб берар экан, майин жилмайиб.— Аммо кўникиб кетганмиз. Юртимизнинг тинчлиги, бош эгаларимизни соғ-саломат хонадонимизга кириб келганлигининг ўзи биз учун бахт.

Инсон ҳаётдаги турли қийинчиликларни енгиб яшар экан, бугунга нисбатан эртам албатта порлоқ бўлади, деб ишонади. Бу аёллар ҳам худди шундай. Суҳбатимиз муаммоларга келиб тақалганда мен улардан кўплаб камчиликларни гапиришса керак деб кутгандим. Йўқ, улар фақат қиш ичи батареялар яхши иситмаганлиги, тез-тез чироқ ўчиб қолиши сабаб барчаларининг фарзандлари ёш бўлганлиги учун бир оз қийинчилик бўлганлигини айтиб ўтишди.

Суҳбатимиз сўнгида байрам олдида улар ўз тилакларини билдиришди.

— Барча аёлларга, айниқса ҳарбий хизматчиларнинг аёлларига ирода ва сабр тилаймиз. Шу қатори ўзимизга ҳам.

— Аёллар бахтига албатта эркакларимиз ҳам соғомон бўлишсин...

Ўзига хос бу давра суҳбати жуда самимий кечди. Оиладаги ўзаро ишонч, садоқат, рашк тўғрисида ҳам дилдан суҳбатлашдик. Аёл — яратувчи. У ҳаёт, рўзғор қийинчиликларини меҳнати, сабри, садоқати билан енгиб боради. Шу сабабли ҳаётда «Аёл — сабрдан яралган», деган нақл бежиз айтилмаган. Мана шу аёл зотини улуғловчи сабр барчамизга насиб этсин.

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

● ТУҲФА

Онажоним омон бўлса

Онажоним омон бўлса,
Мен бахтиёрман.
Онажоним омон бўлса,
Шодликка ёрман.
Омон бўлса онажоним,
Баланддир кўксим.
Омон бўлса меҳрибоним,
Қолмасман ўксиб.
Онажоним омон бўлса,
Ёзаман шеърлар.

«Оналарнинг пойидадир,
Жаннат ҳам», дерлар.
Асло завол кўрмасинлар,
Шудир тилагим.
Қошларида доим шайман,
Бордур керагим.

**Азизбек МАТЕҚУБОВ,
6-синф ўқувчиси.
Олмалиқ шаҳри.**

С ПРАЗДНИКОМ ВЕСНЫ!

Весна! — и вновь
природа оживает,
А милых женщин
просто не узнать:
Они одежды зимние
снимают
И нас, мужчин,
бросает в дрожь опять.

Травинка в неуемной
тяге к свету
Асфальт пробила
тоненьким копьем,
И чудо созидательное это
Мы жизненною силою
зовем.

И нашей нежной
спутнице-подруге
Такую мощь дала
Природа-Мать,
Что мы бессильно
опускаем руки,
Отказываясь это
понимать.

Ты, словно пчелка,
устали не знаешь,
До ночи длится
день рабочий твой,
Ты нежным словом
в стужу согреваешь
И пуще глаза
бережешь покой.

Ты маленькую жизнь
под сердцем носишь,
В заботах нам
неведомых всегда,
И серебра презренного
не просишь
В оплату неохватного
труда.

Ты на Голгофу
за детей готова
И за любовь, как ратник,
рвешься в бой,
Ты таешь от
признательного слова
И миришься
с нелегкою судьбой.

Великая — ты хочешь
так немного,
Всесильная —
до робости скромна,
Всевидящая —
нас не судишь строго,
Любимая —
в награду нам дана.

В любом кругу ты
смотришься пристойно,
Уверенная в силе
красоты.
Ты всех наград
немыслимых достойна,
А мы подносим
скромные цветы.

Прекрасней нет
создания на свете
Ни в прошлых и ни в
будущих веках,
И мы тебя, жемчужина,
как дети
С немым восторгом
носим на руках!

Владимир КУДРЯВЦЕВ.

СВЯЩЕННАЯ ОБЯЗАННОСТЬ

Так повелось и Богом
так завещано:
Всю жизнь до самых
старческих седин
Оберегать, любить
безмерно женщину —
Священная обязанность
мужчин.

Вот почему с
особенным азартом
Дарю тебе улыбки
и цветы
Не только в праздник —
в день
Восьмого Марта, —
И в будни для меня
богиня — ты!

**Мирон ДОКТОРОВ,
ветеран войны.**

ҲИКМАТЛАР

Олтин узукни гавҳар кўз безаганидек, аёллар ҳам умримизни безайди.

* * *

Қалби зебо аёл — инсонларга яхшилик бахш этади.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

22	1	15	1	7	0	9	4	1	0	23	3	1	17	,
20	1	3	0	19	2	25	6	0	2	13	10	1	8	3
0	0	21	1	0	7	9	14	2	3	0	12	13	2	24
4	2	27										1	3	4
1	10	2										4	0	18
6	7	3										6	8	1
4	26	9										1	2	0
11	1	14										4	21	15
5	5	0										0	9	2
0	0	4										16	14	3
2	11	9										12	2	3
17	5	3										8	0	1
1	,	20	1	8	11	6	5	1	.	3	2	6	12	7
5	3	2	6	8	12	16	0	4	1	6	4	1	13	0
1	7	8	1	3	0	18	4	2	4	11	,	7	9	19

Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган таниқли аёлларимиз исм-шарифларини топиб, очқичини ҳал этинг.

1. Оқила-ю тадбиркорлиги билан Бибихоним номини олган маликанинг асл исми — 17, 1, 8, 9, 27, 3, 11, 10, 16, 26, 9, 4, 2, 3.
2. Таниқли устоз, театр санъаткори, халқ артисти — 23, 13, 9, 4, 7, 12, 8, 1, 24, 21, 1.
3. Жаҳонга танилган теннисчи — 7, 12, 10, 1, 18, 1, 4, 9, 21, 1.
4. Ватанимиз балет санъати устаси — 15, 9, 8, 2, 24, 21, 1.
5. Шоира ва журналист ижодкор — 20, 9, 14, 2, 24, 21, 1.
6. Кулгили ҳолатларни маҳорат билан ижро этган атоқли театр санъаткори — 22, 1, 25, 19, 9, 21, 1.
7. Маърифатпарвар шоира — 17, 1, 3, 1, 8, 5, 9, 4, 11.
8. Таниқли шашкачи аёл — 1, 20, 3, 24, 6, 9, 21, 1.

Энди жавоблар асосида шакл катакларидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Улардан тўрт мисра ҳикматли сўзлар ва унинг муаллифи бўлган форс-тожик мумтоз шоирини билиб оласиз.

Ф. ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 27-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 6. Калейдоскоп. 9. Курс. 10. Идора. 11. Ипак. 12. «Наво». 14. Квант. 16. Адил. 17. Агрегат. 18. «Ойсулув». 20. Ўрда. 21. Цинга. 22. «Алла». 23. Диск. 25. Умида. 27. Одер. 28. Сейсмология.

БЎЙИГА: 1. Марс. 2. Зеби. 3. Адвокат. 4. Уста. 5. Шоли. 7. Дурадгорлик. 8. Ҳабибуллаев. 13. Онега. 14. Кварц. 15. Тайга. 16. Акула. 19. «Андижон». 24. Киев. 25. Уэст. 26. Атом. 27. Оқил.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам, субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Отпечатано в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0114.